

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ. БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 201 (3683).

11

ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

Биринчи бўлиб маррага етган Оққўрғон азаматларига офарин!

Улар давлатга 66 минг тоннадан ортиқ
„оқ олтин“ топширдилар.

51 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА
МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛДИ.

ОКТАБРНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМЛАРИ

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Бутун Улуғ Октябр ва Кремль деган сўзлар айниқса жозибдор, бир-бири билан чамбарчас бўлиб эшитилмоқда. 10 октябрда — Ватанимиз шонли юбилейининг арафасида Кремльда еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди.

Сессия совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг сессияси Пленуми қарорлари ишчи-хўжалик меҳнаткашлари, интеллигентларнинг сиёсий фаоллиги ва меҳнат гайратини жуда юксалтириб юборган шонли кунларда бўлди. Бу қарорлар социалистик тузум эришган жуда катта муваффақиятлар, унинг куч-қудрати, улуғ Ленин василатларига садоқатининг яққол далили эканлигини ҳар бир совет кишиси яхши тушунади.

«Октябрь революциясининг 50 йиллиги юксак марралардан туриб, партия, совет халқи янги-янги вазифаларини янада муваффақиятлор қил қилиш учун босиб ўтишга йўлни чуқур таҳлил этмоқда», — деб билган КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр 50 йиллигига бағишлаган тезисларида. Халқнинг сессияга йилгизган муҳтор бакаллари Совет давлатининг одимларини Октябрга тақдирлаб, коммунизм сари Ленин йўлида янги зафарларга эришни йўллари билан белгилаб олади.

КПСС Марказий Комитетининг 26 сентябрда бўлган пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат ва 1970 йилларга мўлжалланган планларини ва СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети лойиҳасини асосан маъқулловчи қарорлар қабул қилди.

Депутатлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги уч йилги истиқболларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, уларни қонулаштиришлари керак.

Эрталаб соат 10 да Кремль театрида Иттифок Советининг раиси И. В. Спирidonов раислигида Иттифок Советининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари СССР Олий Советининг иккинчи сессиясидан сўнг ўтган даврда рафот этган Иттифок Советининг депутатлари — И. Антонов, И. С. Белиев, Р. Я. Малиновский, П. С. Перевезев, Т. С. Пряхин, Н. В. Ураевнинг хотирасини ўрниларидан туриб эсладилар.

Катта Кремль саройида Миллатлар Советининг раиси Ю. И. Палевский раислигида эрталаб соат 10 да Миллатлар Советининг мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари Миллатлар Советининг рафот этган депутатлари — Д. О. Ораев, С. Х. Уринхужаев, И. Г. Эренбург хотирасини ўрниларидан туриб эсладилар.

Палаталарнинг алоҳида-алоҳида ўтказган мажлисида Иттифок Совети билан Миллатлар Совети мандат комиссияларининг янги сайланган депутатлар ваколатларини текшириш тўғрисидаги докладлари тингланди. Сўнгра сессиянинг қўйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат ва 1970 йилларга мўлжалланган планларини тўғрисида.

2. СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

3. СССР Олий Совети Иттифок Совети ва Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги лойиҳа тўғрисида.

4. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

5. СССР Олий Судини сайлаш тўғрисида.

6. СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

Иттифок Совети ва Миллатлар Совети депутатлари палаталар доимий комиссияларининг составидаги айрим ўзгаришлар тўғрисида оқсоқлар кенгашлирининг тақлифларини қабул қилдилар. Депутат С. Д. Хитров СССР Қишлоқ қурилиш министри қилиб тайинлангани муносабати билан у Иттифок Совети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиясининг раиси вазифасидан озод қилинди. КПСС Горький области комитетининг

биринчи секретари депутат К. Ф. Катусев шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Иттифок Совети доимий комиссияларининг аъзолари — депутатлар Ю. В. Андронов, А. А. Гречко, А. М. Токарев СССР ҳукумати составига киргизилганлиги назарда тутиб, депутатлар уларни доимий комиссияларнинг аъзолари вазифаларидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Депутат И. А. Манюшин Литва ССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан Миллатлар Советининг депутатлари уни Миллатлар Советининг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссияси раиси вазифасидан озод қилдилар. Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат Г. А. Арумянян шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Қулузга соат 11 да Катта Кремль саройида Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Г. И. ВОРОНОВ, А. Н. КОСИГИН, А. Я. ПЕЛШЕ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, Д. С. ПОЛАНСКИЙ, М. А. СУСЛОВ, А. Н. ШЕЛЕР, П. Е. ШЕЛЕР, Ю. В. АНДРОПОВ, В. В. ГРИШИН, П. Н.

ДЕМИЧЕВ, Д. А. КУНАЕВ, П. М. МАШЕРОВ, В. П. МЕЖАВАНДЗЕ, Ш. Р. РАШИДОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, И. В. КАПИТОНОВ, Ф. Д. КУЛАКОВ, В. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ ўртоқлари залда ҳозир бўлганлар қизгин кутиб олдилар.

СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари дожаларда ўтиришди. Балконда — қўнғир-қўнғир меҳмонлар бор.

Раислик қилувчи — СССР Олий Совети Иттифок Советининг раиси И. В. СПИРИДОНОВ «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари тўғрисида» доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари СССР Госпланнинг раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВГА сўз берди.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госпланнинг раиси депутат Н. К. Байбаков докладдан сўнг СССР Молия министри депутат В. Ф. ГАРБУЗОВГА сўз берди. У «СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» доклад қилди.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифок Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси таям бўлди. (ТАСС).



ЭНДИ ГАЛ МАЖБУРИЯТГА

Бекободадаги «Победа» колхозига тобора пешқадам бўлиб бормоқда. Колхоз машина термини биринчи бўлиб бошлаган эди. Меҳнаткорлар маррага тобора яқинлашиб борапти.

Иккинчи участкадаги механизаторларнинг ҳиссаси айниқса катта. Шу участкадаги Бердирбой Қурбонов бошлиқ эвено аъзолари биринчи бўлиб ғалаба рапорти бердилар. Улар 64 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 20,2 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар далада қолган ҳосилни чамалаб қўриб яна 10 центнердан пахта йиғиб олашди, деб ахд қилдилар. Энди эвено аъзолари юбилей мажбуриятини бажариш учун қурашмоқдалар.

Э. ҚИРҚБОВЕВ.

Қувончли хабар

«Колхозимиз бугун йиллик пахта тайёрлаш пиланини бажарди». Колхоз радиоэлектрон берилган бу хабар ҳаммани қувонтириб юборди. Чунки колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш пиланини қўнғирлик хўжаликлардан орқанда қўлиб, ечириб бажарган эди. Бу йил эса изгортлар қаторида маррага етиб кетди. Давлатга 1995 тонна ўрнига 2015 тоннадан зиёд пахта топширилди. Исом Эризааров, Ҳамроли Мирзаазизов, Нурхўжа Тўраев ўртоқлар бошлиқ эвеноларнинг аъзолари бу соҳада зўр ютуққа эришдилар. Улар гектаридан 60—85 центнердан юқори сифатли пахта йиғиб олдилар.

Шунингдек, колхозда машина терми пилани ҳам анча ошириб адо этилди.

Ўтган йили Янгийўлдаги Свердлов номли колхоз асосан пахтачи

лик билан шугулланар эди. Бу йил бу хўжалик қўшни «Партия XIX съезди» колхоз билан бирлашиб пахтачилик-сабзавотчилик хўжалигига айлантирилди. Колхоз деҳқонлари картошка ва сабзавот экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача 2585 тонна ўрнига 3225 тонна сабзавот, 545 тонна ўрнига 760 тонна картошка, 401 тонна ўрнига 720 тонна поллиз экинлари маҳсулоти ва бошқа маҳсулотлар сотилди. Колхознинг тайёрлаш пиланини шарфат билан адо этди ва эрта-йилги сут тайёрлаш қозисидан берилган топшириқни ҳам бажариш арафасида турибди.

Колхозчилар юбилей йилида экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ўзлари ҳам катта

даромад эгаси бўлдилар. Масалан, 12-эвенонинг аъзоси Хонимой Рашидова гектаридан пиландаги 10 тонна ўрнига 22 тонна картошка олди. Бу йилги меҳнатни ташкил қилиш қондасига қўра ўртоқ Рашидова пиландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 80 процентини яъни 9335 килограмм картошкани натурга ҳисобидан олди.

Бошқа эвеноларда ҳам пиландан ташқари етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини ўша ерда ишлаган колхозчиларга бўлиб берилди. Шунинг учун ҳам колхозда картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил олиш кескини ўсди.

Свердлов номли колхоз аъзолари давлатимизнинг 50 йиллик юбилейни зўр хурсандчилик билан меҳнат ютуқларидан мамнун бўлган ҳолда кутиб олмақдалар.

Т. ТОШХУЖАЕВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ПОЛИТОДЕЛ» КОЛХОЗИНИНГ ЭВЕНО БОШЛИГИ КИМ МИХАИЛ ҲОЗИРГАЧА 80 ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ТЕРДИ. У МАШИНАДА ТЕРИЛДАНГАН ПАХТАНИНГ МИҚДОРИНИ 110 ТОННАГА ЕТҚАЗМОҚЧИ. ЧАЙЛАДИ СУРАТДА: КИМ МИХАИЛ.

БЕКОВОБДАГИ «ПОБЕДА» КОЛХОЗИНИНГ МЕХАНИЗАТОРИ МАМАРАСУЛ ҲАСИНОВ ЎТГАН ЙИЛ ҲАМ ЭВЕНОСИ ДАЛАСИДАН 100 ТОННА ПАХТА ТЕРГАН ЭДИ. БУ ЙИЛ У БОШЛИК ЭВЕНО МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТДИ ВА ПЛАНИН БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ БАЖАРИШГА ЭРИШДИ. ЎНДАГИ СУРАТДА: М. ҲАСИНОВ.

А. АБАЛИЯ ФОТОЛАРИ.

Я Н Г И Й Ў Л МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Янгийўл механизаторлари пахта терилиш жадаллаштириб пача машинада пахта териш пиланини ошириб бажардилар. Пиланди 25 минг 400 тонна ўрнига 25 минг 602 тоннадан ортиқ пахта машиналарда териб олинди.

Иккинчи терим ишларини комплекс механизациялаштиришда ташибурувчи бўлаётган «Интернационал» колхоз бу соҳада алоҳида ўрни тутди. Колхоз механизаторлари бу йил ҳозиргача топирилган пахтанинг 95 процентини яқини «загори кема»лар билан териб олдилар. Шунингдек «Ленинизм», Назарли, Шиндехон, Икки, Свердлов номли колхозларнинг механизаторлари ҳам етиштирилган ҳосилни машиналар билан тезроқ териб олишда алоҳида ўрнат қўрсатмоқдалар.

Янгийўлликлар йиллик пахта тайёрлаш пиланини бажариш арафасида турибдилар. Уларнинг бу қувонча эришишида меҳнат-ҳайдовчилар катта роль ўйнамоқдалар. Янгийўл районининг пахтакорлари пилани ва мажбуриятни шарфат билан бажариб Совет давлатининг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун шу кунларда зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Юбилей йили ОҚ ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 10 ОКТАБРГА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобидан).

Районлар	бир кунда	Машина терими	
		мавсум бошидан бери	мавсум бошидан бери
Оққўрғон	2,47	98,88	2,88
Янгийўл	1,80	94,75	2,20
Бўқа	3,07	89,98	3,71
Урта Чирчиқ	2,77	87,98	3,61
Юқори Чирчиқ	3,41	85,61	4,42
Оржоникидзе	3,33	77,21	3,46
Бекобод	2,61	60,49	2,84
Область бўйича	2,61	87,81	3,14

103,85

Журнал ТАХТАСИ

Юбилей йили пахта тайёрлаш пиланини муддатидан илгари бажаришлари учун кўндалар област «ЖУРНАЛ ТАХТАСИ»га эътилоллар.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Овдо» колхоз (раиси Сулаймонов, партия ташкилотининг секретари Аҳмедов, бош агрономи Алишев, бош инженер Муртазоев, комсомол ташкилотининг секретари Нисозов ўртоқлар). Бу колхоз пиландан ташқари 287 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Димитров номли колхоз (раиси Ким, партия ташкилотининг секретари Пак, бош агрономи Коган, бош инженер Сои, комсомол ташкилотининг секретари Шин Ўртоқлар). Бу колхоз пиландан ташқари 280 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

«Коммунизм» колхоз (раиси Элчибеков, партия ташкилотининг секретари Жоинкулов, бош агрономи Қодиров, бош инженер Хамидов, комсомол ташкилотининг секретари Эгамқудов ўртоқлар). Бу колхоз пиландан ташқари 400 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

БҲКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Тимирязев номли колхоз (раиси Шодибеков, партия ташкилотининг секретари Нариев, бош агрономи Алимов, бош инженер Бусинов ўртоқлар). Бу колхоз пиландан ташқари 650 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. БАЙБАКОВ доклади

Бизнинг халқ ҳужайиқ планларимиз — тинч қурилиш планларидир. Бу планларда экономиянинг юксатлирини ва халқимизнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан КПСС XXIII съезди қабул қилган қарорлар ушбу фондасини туюқмоқда. Бу планларнинг бажарилиши Ватанимиз қудратини янада мустақамлашти, жамиятимизнинг коммунизм қурилиш йўлидан янада

